

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02.30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЙЎЛДОШОВ ШЕРЗОД АБДУЛЛАЕВИЧ

**ҚУЙИ ҚОВУШҚОҚЛИ КАРБОКСИМЕТИЛЦЕЛЛЮЛОЗА СИНТЕЗИ:
ТАРКИБИ, ТУЗИЛИШИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.05 – Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Contents of thesis of doctoral (Doctor of Science) dissertation

Йўлдошов Шерзод Абдуллаевич

Қуйи қовушқоқли карбоксиметилцеллюлоза синтези: таркиби, тузилиши ва хоссалари.....3

Йулдошов Шерзод Абдуллаевич

Синтез низковязкой карбоксиметилцеллюлозы: состав, структура и свойства29

Yuldoshov Sherzod Abdullaevich

Synthesis of low-viscosity carboxymethyl cellulose: content, structure and properties55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02.30.12.2019.К/ҒМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЙЎЛДОШОВ ШЕРЗОД АБДУЛЛАЕВИЧ

**ҚУЙИ ҚОВУШҚОҚЛИ КАРБОКСИМЕТИЛЦЕЛЛЮЛОЗА СИНТЕЗИ:
ТАРКИБИ, ТУЗИЛИШИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.05 – Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/K109 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Саримсоқов Абдушкур Абдуҳалилович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Акбаров Ҳамдам Икромович
кимё фанлари доктори, профессор

Набиева Ирода Абдусаматовна
техника фанлари доктори, профессор

Нормаҳаматов Нодирали Саҳобаталиевич
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Биорганик кимё институти


Диссертация химояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.02.30.12.2019.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» декабр соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7⁶ уй. Тел.:(+99871)241-85-94, факс: (+99871)241-26-60, e-mail: polymer@academy.uz.)


Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (27 рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7⁶ уй. Тел.:(+99871)241-85-94).

Диссертация автореферати 2021 йил « 10 » 12 кун тарқатилди.
(2021 йил « 10 » 12 даги 29 рақамли реестр баённомаси.)




С.Ш.Рашидова
Илмий даражалар берувчи
бир марталик илмий кенгаш раиси,
к.ф.д., профессор, академик


М.М.Усмонова
Илмий даражалар берувчи
бир марталик илмий кенгаш котиби,
к.ф.н., катта илмий ходим


Г.Раҳмонбердиев
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
к.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда хомашё базасига эга бўлган, экологик хавфсиз табиий полимерлар, жумладан, целлюлоза асосида махсус хоссаларга эга бўлган ҳосилаларини синтез қилиш ва турли соҳаларда қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу йўналишда нефт-газ, тоғ-кон металлургия, озиқ-овқат, фармацевтика саноатлари учун зарур бўлган сувда эрувчан, қуйи қовушқоқли карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) синтез қилишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда целлюлозадан юқори ва ўрта қовушқоқликка эга бўлган КМЦ синтез қилиш бўйича тадқиқотлар кенг ривожланган бўлиб, унинг қуйи қовушқоқли намуналарини олишда кимёвий гидролиз асосида деструкция усулидан фойдаланилади. Бу эса жараёнларнинг мураккаблашишига, маҳсулот сифатини пасайишига ва тан нархининг ортишига олиб келади. Бу борада хомашё турига боғлиқ равишда, илмий асосланган ёндашувларни қўллаган ҳолда қуйи қовушқоқли КМЦ синтез қилиш имкониятларини аниқлаш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, юқори самарадорликка эга, истиқболли технологияларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда маҳаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар яратиш ва амалиётга тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, табиий полимерлар ва уларнинг ҳосилалари асосида рақобатбардош маҳсулотлар олишда муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом-ашёлар - пахта целлюлозаси (ПЦ), микрокристаллик целлюлоза (МКЦ) ва кукунсимон целлюлоза (КЦ) асосида қаттиқ фазада ва этил спирти муҳитида нефт-газ, тоғ-кон металлургия, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа саноатларда кенг қўлланиладиган қуйи қовушқоқли техник ва тозаланган КМЦ синтез қилиш, уларнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларини ўрганишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сонли «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ 3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805 «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларини ривожланишининг VII бўлими «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Турли хил целлюлоза тутувчи хом ашёлар асосида КМЦ синтез қилиш, уларнинг таркиби ва физик-кимёвий хоссларини ўрганиш, ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, уларни нефт-газ, қурилиш, озиқ-овқат, фармацевтика, тиббиёт, парфюмерия саноатлари ва бошқа соҳаларда фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий ва ўқув муассасалари, жумладан, Friedrich Schiller University of Jena (Германия), Centre de Recherchesurle Macromole´cules Ve´ge´tales (Франция), Karlstad University (Швеция), South China University of Technology (Хитой), National Research Centre (Миср), Universiti Kebangsaan Malaysia (Малайзия), Columbia University (АҚШ), North Carolina State University (АҚШ), Chiang Mai University (Таиланд), Babol Noshirvani University of Technology (Эрон), Олтой Давлат Университети (Россия) ва бошқалар томонидан олиб борилмоқда.

Қаттиқ фазада ва турли органик эритувчилар-изопропанол, бензол, толуол, ацетон, диоксан, ксилол муҳитида сувда эрувчан КМЦ синтез қилиш орқали зарур физик-кимёвий хусусиятларни намоён этувчи, керакли эксплуатацион хусусиятларга эга материалларни олишга оид жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: пахта целлюлозаси асосида юқори полимерланиш, алмашиниш даража ва полидисперли бўлган юқори ковушқоқли ва юқори сорбцион хоссали КМЦ олинган (University Cooperative Research Center for Advanced Studies in Novel Surfactants, АҚШ); ёғоч целлюлозаси асосида олинган КМЦнинг реологик хоссалари ўрганилган (Department of wood and papers science, АҚШ); ҳар хил шароитларда мерсеризация ва этерификация орқали ёғоч целлюлозаси асосида қуйи алмашинган КМЦ синтез қилинган (Department of Chemical Engineering, Швеция); папайя қобиғи целлюлозаси асосида КМЦ олиш ва қўлланилиш имконияти кўрсатилган (Division of Packaging Technology, Faculty of Agro-Industry, Таиланд); пахта линти асосида эпиклорогидрин иштирокида рН сезгир КМЦ синтез қилинган (Cellulose and Paper Department, Миср); пахта ва ёғоч целлюлозаси асосида техник ва тозаланган КМЦ олинган ва уларнинг тозалик даражасига кўра саноатнинг кўплаб соҳаларида қўллаш имконияти кўрсатилган (Center of Excellence for Polysaccharide Research, Германия); фармацевтика ва озиқ-овқат саноатлари учун юмшоқ шароитда қуйи алмашинган, тозаланган КМЦ синтез қилинган (Faculty of Chemical Engineering ва Department of Chemical Engineering, Эрон); бир йиллик ўсимликлар целлюлозаси асосида юқори биологик парчаланиш

хоссасига эга бўлган КМЦ намуналари синтез қилинган (Pharmaceutical Research Laboratory, Faculty of Pharmacy, Малайзия); инерт органик эритувчилар муҳтида КМЦ намуналари синтез қилиш шароитлари тадқиқ этилган ва концентрланган эритмаларининг реологик хоссалари таҳлил этилган (Centre de Recherches sur les Macromolécules Végétales, Франция); турли целлюлоза тутувчи хом ашёлар асосида, жумладан, игна ва япроқ баргли ёғоч, бир йиллик ўсимликлар целлюлозасидан КМЦ синтези бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилган (Олтой давлат университети, Россия).

Дунёда турли хил целлюлоза тутувчи хом ашёлар асосида сувда эрувчан маҳсулотлар синтез қилиш, жумладан, турли сифат кўрсаткичларга эга бўлган КМЦ синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини бошқариш, таркибидаги қўшимча органик ва ноорганик тузлар ҳамда оғир металл аралашмаларидан тозалаш, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, КМЦ асосида янги авлод дори воситалари синтези, озик-овқат, фармацевтика саноатлари учун янги марказдаги ассортиментлар олиш ва қўлланилиш соҳаларини кенгайтириш устивор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида турли маҳаллий хомашёлар асосида синтез қилинган КМЦ намуналарини тадқиқ этиш ва улардан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар Т.Heinze (Германия), Н.А.Ambjornsson (Швеция), А.Benchabane (Франция), А.Vono (Малайзия), Н.Д.Heydarzadeh (Эрон), Н.Togrul (Туркия), А.М.Adel (Миср), J.M.Lee (АҚШ), G.L.Zhang (Хитой), Z.A.Metodiev (Болгария), К.Ворувкова (Чехия), М.А.Zeenat (Покистон), J.Lisa (Тайланд), шунингдек, МДХ мамлакатларидан Н.Г.Базарнова, В.И.Маркин, М.В.Обрезкова, И.Б.Фаттахов, В.В.Оболенская, И.М.Грубник, В.В.Будаева ҳамда Ўзбекистонда академик Х.У.Усмонов мактаби давомчилари - академиклар С.Ш.Рашидова, А.С.Тураев, С.С.Негматов, профессорлар Ш.Нажмуддинов, А.А.Саримсоқов, Г.Р.Рахмонбердиев, Х.И.Акбаров, фан докторлари А.А.Атаханов, Х.Э.Юнусов, М.М.Муродов ва бошқалар томонидан муваффақиятли ривожлантириб келинмоқда.

Шунга қарамай, қаттиқ фазада ва турли органик эритувчилар муҳтида қуйи қовушқоқли КМЦ синтези, шунингдек, юқори даражада асосий модда миқдори тутган КМЦ намуналарининг олиниш усуллари, уларнинг таркиби, хоссалари ва тузилиши, маҳсулот олиш жараёнини бошқариш бўйича илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. КМЦ юқори кристалланиш даражасига эга бўлишига қарамай, макромолекула занжири узунлиги қисқа ҳисобланади. Шунингдек, КМЦ кристалланиш даражасининг кичиклиги ҳисобига юқори реакцион фаоллик намоён қилади. Бу эса ушбу хомашёлар асосида юқори сифатли қуйи қовушқоқли КМЦ намуналарини олиш истиқболлини юзага келтиради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий тадқиқот

ишлари режаларининг А6-055 «Пахта целлюлозаси, линт ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари асосида турли марказдаги КМЦ ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва саноат миқёсида ўзлаштириш» (2006-2008 йй.); К-6-014 «Микрокристаллик целлюлоза асосида қийин ёнувчи, экологик хавфсиз материалларни яратиш» (2009-2011 йй.); ФА-А12-Т-13 «Тозаланган КМЦ маркалари ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологиясини яратиш» (2012-2014 йй.), ИОТ-2016-7-18 «Маҳаллий хом-ашё асосида қийин ёнувчан ёғоч қипиғли плиталар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва ўзлаштириш» (2016-2017 йй.), ЁА-12-3 «Давлат фармакопееysi талаблари даражасида тозаланган карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) ишлаб чиқариш технологияси» (2016-2017 йй.), Т-ФА-2021-162 «Юқори тозаликдаги қуйи қовушқоқли карбоксиметилцеллюлоза ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш» (2021 й) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қуйи қовушқоқли техник ва тозаланган КМЦ синтез қилиш қонуниятларини тадқиқ этиш, уларнинг таркиби, тузилиши, хоссалари ва карбоксиметиллаш жараёнларининг кинетикасини ўрганиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ПЦ, КЦ ва МКЦ қаттиқ фазада ва этил спирти муҳитида карбоксиметиллаш реакциясининг ишқор концентрацияси, алкилловчи агент сарфи, ҳарорат ва реакцияси давомийлиги ўртасидаги боғлиқликни белгилаш;

адиабатик шароитда, этил спирти муҳити ва қаттиқ фазада ПЦ, КЦ ва МКЦ нинг карбоксиметиллаш реакцияси кинетикасини ўрганиш, реакциянинг фаоллашиш энергияси ва иссиқлик эффектлари қийматларини аниқлаш;

қаттиқ фазада ва этил спирти муҳитида синтез қилинган қуйи қовушқоқли КМЦ намуналарининг тузилишини ўзига хослигини ўрганиш ва D-ангидроглюкоза халқасида карбоксиметил гуруҳларининг тақсимланишини аниқлаш;

синтез қилинган техник КМЦ намуналарини органик ва ноорганик аралашмалардан тозалаш жараёнида асосий модда миқдорининг ўзгаришини ўрганиш;

техник ва тозаланган КМЦ намуналарининг эрувчанлик, қовушқоқлик, термодинамик ва бошқа физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

қуйи қовушқоқли техник КМЦ ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, шунингдек, тиббиёт, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатлари учун юқори даражадаги асосий модда миқдори тутган КМЦ олишнинг такомиллаштирилган ва янги усулдаги ишлаб чиқариш технологиясини яратиш;

синтез қилинган қуйи қовушқоқли техник ва тозаланган КМЦ намуналарини техник, тиббиёт ва фармацевтика мақсадлари учун амалий қўлланилиш имкониятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти ПЦ, МКЦ ва КЦ асосида олинган техник ва тозаланган КМЦ намуналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ПЦ, МКЦ, КЦ намуналарини ишқорий ишлов бериш, этерификациялаш, юқори даражада тозаланган КМЦ намуналарини олиш усуллари, шунингдек, реакция шароитига боғлиқ равишда маҳсулотнинг таркиби ва хоссалари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, қуйи қовушқоқли техник ва тозаланган КМЦ ишлаб чиқариш технологиясини яратиш жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда вискозиметрик ва реологик тадқиқотлар, ИҚ-спектроскопия, ЯМР-спектроскопия, рентген тузилиш таҳлиллар, атом-адсорбцион таҳлиллар, кимёвий таҳлиллар, термик таҳлиллар ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Дисертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: қуйи қовушқоқли, сувда эрувчан қуйи (АД-0,38-0,42) ва юқори (АД-1,37) алмашиниш даражали КМЦ намуналари синтез қилинган, хоссалари ва тузилиши аниқланган;

илк бор қаттиқ фазада ва этил спирти муҳитида, дастлабки хомашёларнинг хоссаларига боғлиқ равишда, ПЦ, КЦ ва МКЦ ни карбоксиметиллаш реакция кинетикаси тадқиқ этилиши натижасида реакциянинг тезлиги, фаолланиш энергияси ва иссиқлик эффектлари қийматлари аниқланган;

илк бор карбоксиметиллаш реакцияси шароитига боғлиқ равишда ПЦ, КЦ ва МКЦ нинг ангидроглюкоза халқасидаги углерод атомларида жойлашган гидроксил гуруҳларнинг реакция фаоллиги қаттиқ фазада $C-6 > C-2 > C-3$ ва этил спирти муҳитида $C-6 \approx C-2 > C-3$ эканлиги аниқланган ҳамда бир хил АД ва ПД қийматларида КМЦ намуналарининг хоссалари бир бирдан фарқ қилиши кўрсатилган.

илк бор КМЦ таркибидаги қўшимча органик ва ноорганик тузлардан тозалашда паст концентрацияли органик кислота (0,3-0,6 % сирка кислотаси) қўллаш имконияти кўрсатилган ва этил спирти сарфини 50 % гача пайсайтиришга эришилган;

илк бор техник КМЦ ни ноорганик кислота эритмаси ёрдамида Н-КМЦ шаклига ўтказиб, таркибидаги қўшимча тузлардан сувда ювиш орқали юқори даражада тозалikka эга бўлган қуйи қовушқоқли КМЦ олишнинг янги усули яратилган;

илк бор КЦ ва МКЦ асосида юқори даражада тозалikka эга бўлган, қуйи қовушқоқли, КМЦ ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган ва янги технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда иборат:

этил спирти муҳитида ПЦ, МКЦ ва КЦ намуналари асосида қуйи ва юқори алмашинган, сувда тўлиқ эрувчан, техник КМЦ синтез қилиш имконини берувчи самарали усули ишлаб чиқилган;

озик-овқат, фармацевтика, тиббиёт саноатлари учун қуйи қовушқоқли, юқори даражада тозаланган КМЦ олишнинг такомиллаштирилган ва янги

усуллари ва ишлаб чиқариш технологиялари яратилган ва жорий қилинган;

«ASDAFOOD» маркали тозаланган карбоксиметилцеллюлоза ишлаб чиқариш учун тажриба-саноат технологик регламенти ишлаб чиқилган;

тозаланган Na-карбоксиметилцеллюлоза ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий асосномаси ишлаб чиқилган;

қуйи қовушқоқли техник ва юқори даражада тозаланган КМЦ намуналарининг янги амалий қўлланилиш соҳалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.

Қаттиқ фаза ва этил спирти муҳитида қуйи қовушқоқли КМЦ синтез қилиш, улар асосида юқори даражада тозалikka эга намуналар олиш, уларнинг хусусиятларини ўрганиш кимёвий, физик-кимёвий ва физик-механик таҳлиллар орқали қўйилган туб вазифаларнинг тўғрилиги, математик ҳисобларнинг аниқлиги билан тасдиқланган назарий тадқиқотлар ёрдамида асосланган. Олинган амалий натижалар физик-кимёвий (ИҚ-спектроскопия, ЯМР-спектроскопия, рентгенография), кимёвий ва математик (MathCad) анализ усуллари орқали тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, қаттиқ фазада ва этил спирти муҳитида ПЦ, МКЦ ва КЦ карбоксиметиллаш реакциясида ишқор концентрацияси, реакция ҳарорати, давомийлиги, алкиловчи агент сарфи бошқа омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашдан иборат. Шунингдек, техник намуналар асосида юқори даражада тозаланган КМЦ олишнинг оптимал шароитлари аниқланган. МКЦ ва КЦ асосида қуйи алмашилиш даражали, сувда тўлиқ эрувчан КМЦ олинган. Этил спирти муҳитида синтез қилинган КМЦ намуналарининг алмашилиш даражаси 0,38-0,42 қийматларида сувда тўлиқ эрувчанлик хоссасини намоён қилиши дастлабки хомашёнинг полимерланиш даражасининг кичиклиги билан изоҳланган.

Тадқиқот ишнинг амалий аҳамияти импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган қуйи қовушқоқли техник ва тозаланган КМЦ маркаларини олишдан иборат. Олинган қуйи қовушқоқли техник КМЦ намуналари «Меридиан Азия» МЧЖ ва «Dealmar Discount» МЧЖ корхоналари линиясида экологик тоза, қийин ёнувчан ёғоч қипиқли плиталари ишлаб чиқаришда қўлланилган. Юқори даражада тозаланган КМЦ намуналари тиббий препаратлар олишда, жумладан, «Аспайк», «Баксергель», «Полиардез», ва бошқа препаратлар олишда қўлланиши кўрсатилган. Тадқиқот натижаларининг амалий тадбиқи «PROMXIM IMPEX» МЧЖ корхонаси базасида этил спирти муҳитида қуйи қовушқоқли техник КМЦ, шунингдек, юқори даражада тозаланган КМЦ намуналарини ишлаб чиқариш усулини ўзлаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қуйи қовушқоқли КМЦ синтези: таркиби, тузилиши ва хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қаттиқ фазада натрий КМЦ олиш учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 04429, 31.10.2011 й.). Натижада қаттиқ фазада юқори сифатли КМЦ олиш имконини берган;

янги усулда тозаланган натрий КМЦ олиш учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 06198, 30.04.2020 й.). Натижада озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа саноатлар учун юқори даражада тозаланган, қуйи қовушқоқли КМЦ олиш имконини берган;

қуйи қовушқоқли, техник КМЦ иштирокида қийин ёнувчан ёғоч қипиқли плиталар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган пресс-композиция учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 05084, 31.10.2011 й.). Натижада юқори физик-механик кўрсаткичларга эга ёғоч-қипиқли плиталар олиш имконини берган;

Озиқ овқат, фармацевтика саноати учун қўллшга мўлжалланган «ASDAFOOD Premium, FH9 ва Farmaceutical» маркаларидаги тозаланган КМЦ олиш учун техник шарти (Ts 19515439-06:2019) “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган. Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технология жараёнини назорат қилиш имконини берган;

тозаланган КМЦ ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси «PROMXIM IMPEX» МЧЖ корхонасида амалиётга жорий қилинган (2021 йил 02 июндаги 02/06-сонли маълумотнома). Натижада озиқ-овқат, фармацевтика ва тиббиёт саноати учун импорт ўрнини босувчи, юқори даражада тозаланган КМЦ маркаларини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича олинган асосий натижалар 13 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 40 та илмий ишлар нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 13 та мақола, жумладан, 6 таси Республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 190 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ


Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги аниқланган, уларни ишончлилиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ахамиятлари, шунингдек, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Техник ва тозаланган карбоксиметилцеллюлозанинг синтези, хоссалари, олиниш усуллари, қўлланилиши» номли биринчи бобида техник ва тозаланган КМЦ синтез қилиш усуллари муаммолари, шунингдек, уларнинг физик-кимёвий хоссалари, тузилиш хусусиятлари, целлюлозага ишқорий ишлов бериш ва этерификация реакциялари механизмлари, ишлаб чиқариш технологияси ва қўлланилиш соҳаларини тадқиқ этиш бўйича замонавий адабиётлар таҳлил қилишга бағишланган.

Диссертациянинг «Объектлар, карбоксиметилцеллюлозани олиниши ва тадқиқ этиш усуллари» номли иккинчи бобида КМЦнинг олиниш усуллари, уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш, олинган намуналарнинг физик-кимёвий тадқиқ қилиш усуллари тавсифланган.

Диссертациянинг «Қуйи қовушқоқли карбоксиметилцеллюлозани синтези ва олиниш усуллари» номли учинчи бобида қуйи қовушқоқли қуйи ва юқори алмашинган, сувда эрувчан техник КМЦ олиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Дастлабки хом ашё сифатида ПЦ, МКЦ ва КЦ қўлланилган. Карбоксиметиллаш реакцияси қаттиқ фазада ва этил спирти муҳитида олиб борилди ҳамда ҳар хил омилларнинг маҳсулотнинг энг асосий сифат кўрсаткичларидан бир бўлган алмашиниш даража (АД) қийматига таъсири ўрганилди.




1-расм. Қаттиқ фазада карбоксиметиллаш реакциясида КМЦ намуналарининг АД қийматлари ўзгариши

Қаттиқ фазада ПЦ, КЦ ва МКЦ намуналарини карбоксиметиллаш имкониятлари тадқиқ этилган (1-расм). Қаттиқ фазада карбоксиметиллаш жараёнида КМЦ энг асосий сифат кўрсаткичларидан бири АД қийматига

ишқор концентрацияси, реакция ҳарорати ва давомийлиги ҳамда алкилловчи агент сарфи тўсири ўрганилди. Бунда, ПҚ ва КҚ ва МКҚ намуналарини карбоксиметиллаш реакциясида мос равишда ишқор концентрацияси 20 %, 20 %, 30 %; ҳарорат 80⁰С, реакция давомийлиги 210, 90, 120 дақиқа; натрий монохлорацетат (НМА) сарфи 1 мол целлюлоза элементар звеносига нисбатан 2,2 мол нисбатларида АД- 0,65-0,68; 0,93-1,05; 0,96-1,04 бўлган КМҚ намуналари олинди.

Карбоксиметиллаш жараёнини органик эритувчилар муҳитида олиб бориш орқали асосий реакция самардорлигини ошириш имконияти маълум. Бугунги кунда, саноат миқёсида, органик эритувчилар сифатида асосан изопропил спиртидан фойдаланилади. Бизнинг тадқиқотларда, этил спирти муҳитида ПҚ, КҚ ва МКҚ намуналарини карбоксиметиллаш шароитлари тадқиқ этилди (2-расм).



2-расм. Этил спирти муҳитида карбоксиметиллаш реакциясида КМҚ намуналарининг АД қийматлари ўзгариши

Этил спирти муҳитида ПҚ, КҚ ва МКҚ намуналарини карбоксиметиллаш реакцияси олиб борилганда мос равишда ишқор концентрацияси 30 %, 30 %, 40 %; ҳарорат 80⁰С, реакция давомийлиги 150, 60, 90 дақиқа; натрий монохлорацетат (НМА) сарфи 1 мол целлюлоза

элементар звеносига нисбатан 2,2 мол нисбатларида АД- 0,95-1,04; 01,32-1,37; 1,19-1,31 бўлган КМЦ намуналари олинди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир босқичда карбоксиметиллаш орқали АД қиймати 1,37 гача бўлган юқори даражада алмашинган КМЦ намуналари синтез қилинди.

КМЦ намуналарининг сувда тўлиқ эришини таъминлайдиган АД қийматлари чегаралари аниқланади. Бунда, ПЦ, КЦ ва МКЦ дан этил спирти муҳитида олинган КМЦ намуналарининг сувда тўлиқ эрувчанлик хоссаси мос равишда АД 0,58-0,62, 0,42-0,47 ва 0,38-0,44 қийматларида максимумга эришади.

Олинган натижалар асосида қаттиқ фазада ва этил спирти муҳитида сувда тўлиқ эрувчан КМЦ синтез қилишнинг оптимал шароитлари аниқланди (1- ва 2-жадваллар).

1-жадвал

Қаттиқ фазада ПЦ, КЦ ва МКЦ асосида сувда эрувчан КМЦ олишнинг оптимал шароитлари

Кўрсаткичлар	ПЦ	КЦ	МКЦ
Ишқор концентрацияси (модул 1:2), %	20	20	30
Ҳарорат, °С	80	80	80
Реакция давомийлиги, мин	210	120	120
МХСК сарфи, моль	2,0-2,4	1,0-1,2	1,0-1,2
Сувда тўлиқ эришдаги АД	0,71-0,74	0,51-0,58	0,44-0,54

Бугунги кунда саноат миқёсида техник КМЦ ишлаб чиқаришда импорт ҳисобига келтириладиган алкилловчи агент сарфи 1 мол целлюлозага нисбатан 1,6 мол сарфланади ва кимёвий реагентларга сарфланадиган харажатларнинг асосий қисмини ташкил этади. Қаттиқ фазада КЦ ва МКЦ намуналарни карбоксиметиллаш орқали алкилловчи агент сарфи 1,0-1,2 мол бўлганда, АД-0,44-0,58 бўлган куйи алмашиниш даражали, сувда тўлиқ эрувчан КМЦ олиш имкониятлари кўрсатилди. Ушубу шароитда КМЦ синтез қилиш алкилловчи агент сарфини 25-40 % гачи пасайтириш имконини беради.

ПЦ, КЦ ва МКЦ намуналарини карбоксиметиллаш реакцияси натижасида этил спирти муҳитида алкилловчи агент сарфи мос равишда 1,4; 0,6; 0,8 мол ва АД- 0,38-0,44; 0,42-0,47; 0,58-0,62 бўлган куйи алмашинган, сувда тўлиқ эрувчан КМЦ намуналари синтез қилинди (2-жадвал). Шунингдек, бир босқичда карбоксиметиллаш орқали АД-1,37 гача бўлган юқори даражада алмашинган КМЦ синтез қилиш имконияти кўрсатилди.

2-жадвал

Этил спирти муҳитида ПЦ, КЦ ва МКЦ асосида сувда эрувчан КМЦ олишнинг оптимал шароитлари

Кўрсаткичлар	ПЦ	КЦ	МКЦ
Ишқор концентрацияси, %	35	30	40
Ҳарорат, °C	80	80	80
Реакция давомийлиги, мин	150	60	90
МХСК сарфи, моль	1,4	0,6	0,8
Сувда тўлиқ эришдаги АД	0,58-0,62	0,42-0,47	0,38-0,44

Адиабатик шароитда қаттиқ фазада ва этил спирти муҳитида ПЦ, КЦ ва МКЦ намуналарини карбоксиметиллаш реакцияси кинетикаси тадқиқ этилди. Олинган натижалар асосида, Аррениус тенгламасига ($K = A \cdot e^{-\frac{E}{RT}}$) мувофиқ қаттиқ фазада ва этил спирти муҳитида ПЦ, КЦ ва МКЦ намуналарини карбоксиметиллаш реакциясининг тезлик константалари, предэкспоненциал кўпайтмаси (А), фаолланиш энергияси ($E=tg\alpha R$) ва иссиқлик эффекти ($Q=cm\Delta t$) қийматлари бир бирига таққослаб аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал


Қаттиқ фазада ва этил спирти муҳитида ПЦ, КЦ ва МКЦ намуналарини карбоксиметиллаш реакциясининг кинетик кўрсаткичлари

Дастлабки намуналар	Этил спирти муҳитида			Қаттиқ фазада		
	А, 1/с	Е, Ж/моль	Q _p , кЖ/моль	А, 1/с	Е, Ж/моль	Q _p , кЖ/моль
ПЦ	3321,0	59948	1221	3179	31118	1091
КЦ	241,7	23680	2160	6,07	15722	1905
МКЦ	663,5	26153	1985	24,6	19753	1797

Олинган маълумотлардан кўринадики, карбоксиметиллаш реакциясида хом ашё тури ва реакцияни олиб бориш шароитига боғлиқ равишда реакция тезлиги, тезлик константалари, иссиқлик эффекти қийматлари бир-биридан фарқ қилади.

Диссертациянинг «Қуйи қовушқоқли КМЦнинг таркиби, тузилиши ва хоссалари» номли тўртинчи бобида техник КМЦ намуналарини тозалаш жараёнида таркибидаги органик, ноорганик тузлар ва оғир металллар аралашмаси миқдори ҳамда маҳсулотнинг хоссалари ўзгариши, шунингдек, карбоксиметил гуруҳларнинг элементар звенода жойлашиши ва гидроксил гуруҳларнинг реакцион фаоллиги, КМЦнинг тозалик даражаси, маҳсулотнинг эрувчанлиги, эритманинг қовушқоқлиги ўртасидаги боғлиқликлар ўрганилган.

Турли усулларда ПЦ, КЦ ва МКЦ асосида синтез қилинган, бир хил АД ва ПД қийматли КМЦ намуналарининг сувда эрувчанлик хосслари ҳар хил бўлишини изоҳлаш мақсадида элементар звенодаги гидроксил гуруҳларнинг реакцион фаоллигига боғлиқлигини ЯМР спектроскопик усулда тадқиқ этилди (3-расм) ва С-2, С-3 ва С-6 гидроксил гуруҳлардаги ўринбосарлар миқдори аниқланди.



3-расм. КМЦ намуналарининг ^{13}C ЯМР спектрлари

- 1- МКЦдан олинган КМЦ (этил спирт);
- 2- МКЦдан олинган КМЦ (қаттиқ фаза);
- 3- КЦдан олинган КМЦ (этил спирт);
- 4- КЦдан олинган КМЦ (қаттиқ фаза);
- 5- ПЦдан олинган КМЦ (этил спирт);
- 6- ПЦдан олинган КМЦ (қаттиқ фаза)

ЯМР спектрларидаги кимёвий силжишларни ^{13}C га боғлаш орқали ҳисоблашлар амалга оширилди. Барча спектрларда 104,3 м.б. соҳадаги силжишлар углероднинг β -полуацетал атомларига мувофиқ келади. С-2 ва С-

3 атомларидаги алмашинган гидроксил гуруҳларнинг кимёвий силжиши шу углерод атомларидаги алмашинмаган гидроксил гуруҳлар силжишидан сезиларли даражада фарқ қилади. С-4 ва С-5 атомларининг кимёвий силжишлари бошқа турдаги хосилалар силжишидан деярли фарқ қилмайди ва 78,9-81,1 м.б. (С-4) ҳамда 76,2–77,3 м.б. (С-5) соҳаларда силжишларни намоён қилади. С-6 атомининг кимёвий силжиши гидроксил гуруҳдаги алмашинган ўринбосарнинг тури ҳамда алмашинмаган ҳолатига боғлиқ равишда сезиларли фарқ қилади. Углерод атомидаги карбоксиметил гуруҳининг кимёвий силжиши 70–85 м.б. соҳани намоён қилади. Шундай қилиб, целлюлоза элементар звеносида жойлашган алмашинмаган углерод атомларининг алмашинмаган (С-1, 104,3; С-2, 76,0; С-3, 76,9; С-4, 81,1; С-5; 77,3 ва С-6, 62,8 м.б.) ва алмашинган силжиш соҳалари 4-жадвалда келтирилган.

КМЦ синтез қилиш жараёнида реакцияни олиб бориш шароитига мувофиқ элементар звеносидаги гидроксил гуруҳларнинг реакция фаллоғи ҳар хил бўлади. Бунда, қаттиқ фазада ва этил спирти муҳитида карбоксиметиллаш реакциясида углерод атомларидаги гидроксил гуруҳларнинг реакция фаоллиги $C-6 > C-2 > C-3$ ва $C-6 \approx C-2 > C-3$ қаторга мувофиқ келиши аниқланди. Элементар звеносидаги гидроксил гуруҳларнинг реакция фаоллиги ҳар хиллиги сабабли қаттиқ фаза ва этил спирти муҳитида олинган КМЦ намуналарида бир хил АД ва ПД қийматларида ҳам сувда эрувчанлиги бир биридан фарқ қилади.

4-жадвал

КМЦ элементар звеносидаги С-2, С-3 ва С-6 гидроксил гуруҳлар билан алмашинган карбоксиметил гуруҳларнинг миқдорий қиймати

№	Намуналар	АД кимёвий	АД ^{С-2}	АД ^{С-3}	АД ^{С-6}	АД ^{умумий}	Нисбий фаоллик С-2:С-3:С-6
1	КМЦ (ПЦ, қат.фаз.)	0,60	0,16	0,12	0,34	0,62	1,3:1:2,8
2	КМЦ (ПЦ, эт.спирт.)	0,58	0,19	0,17	0,21	0,57	1,3:1,0:1,4
3	КМЦ (МКЦ, қат.фаз.)	0,41	0,11	0,08	0,23	0,42	1,4:1,0:2,9
4	КМЦ (МКЦ, эт.спирт.)	0,38	0,13	0,10	0,16	0,39	1,4:1,0:1,6
5	КМЦ (КЦ, қат.фаз.)	0,45	0,12	0,09	0,23	0,44	1,3:1,0:2,5
6	КМЦ (КЦ, эт.спирт.)	0,42	0,15	0,13	0,16	0,44	1,4:1,0:1,6

ПЦ, КЦ ва МКЦ асосида қаттиқ фаза ва этил спирти муҳитида синтез қилинган техник ҳамда юқори даражада асосий модда миқдори тутган сувда


эрувчан КМЦ намуналари эритмаларининг реологик хоссалари бир бирига таққослаб тадқиқ этилди (КМЦ намуналарининг ПД қийматлари мос равишда 810-850; 320-350; 220-240).

ПЦ, КЦ ва МКЦ асосида қаттиқ фазада синтез қилинган КМЦ намуналарининг бир хил концентрацияли (5%) эритмалари учун гестерезис майдони камайиб боришини гел зарралари миқдори камайиши билан изохлаш мумкин.


Этил спирти муҳитида синтез қилинган КМЦ намуналари эритмалари учун тўғри ва тесқари йўналишда силжиш кучланиши ($\tau = \alpha \cdot Z$) ҳамда тезлиги (γ) қийматлари бир хил нуқталарда кесишади ва гестерезис сиртмоғини ҳосил қилмайди. Бу эса эритма таркибида гел зарралари миқдори камлиги ва деформацион структураларни камайишидан далолат беради.

Ҳар хил концентрацияли КМЦ эритмаларининг самарадор қовушқоқлигига ($\eta_{\text{эфф.}} = \tau / \gamma \cdot 100$) силжиш тезлигининг (γ) таъсири ўрганилган. Бунда, эритмада КМЦ концентрацияси ортиб бориши билан ўринбосарларнинг ионларга диссоцияланиши қийинлашиб боради. Бунда, макрмолекула спирал кўринишда йиғилиб бориши билан эритманинг самарадор қовушқоқлиги камайишига олиб келади.

КМЦ намуналари таркибидаги асосий модда миқдорининг эритманинг қовушқоқлигига таъсири ўрганилган (4-расм). Бунда, КМЦ намуналарининг асосий модда миқдори ортиб бориши билан таркибидаги органик ва ноорганик тузлар миқдори камайиб боради ва натижада қарама қарши зарядлар миқдори камаяди. Карбоксил гуруҳлардаги манфий зарядлар ортиб бориши билан макрмолекула ёйилиб боради ва эритманинг қовушқоқлиги ортишига олиб келади.



4-расм. КМЦ таркибининг эритманинг қовушқоқлигига таъсири
ПЦ (1); КЦ (2) ва МКЦ (3) асосида олинган КМЦ




5-расм. КМЦ эритмасининг қовушқоқлигига ҳароратнинг таъсири
ПЦ (1); КЦ (2) ва МКЦ (3) асосида олинган КМЦ

Ҳарорат ортиб бориши билан макромолекулалар ҳаракати кучайиши ҳисобига деформацион структурланиш минималлашади ва эритманинг қовушқоқлиги пасайишига олиб келади (5-расм). Олинган натижалар асосида Френкел–Эйринг тенгламасига мувофиқ қовушқоқ оқувчанликнинг фаолланиш энергияси ПҚ, КҚ ва МКҚ асосида олинган КМҚ намуналарининг 2% эритмалари учун мос равишда 42,1; 29,7 и 17,3 кЖ/мол қийматларни намоён қилиши, бунда молекулалараро таъсирлашиш водород боғлар даражасида эканлиги аниқланди.

Маълумки, КМҚ синтез қилиш жараёнида қўшимча реакциялар ҳисобига маҳсулот таркибида 30-50 % гача органик ва ноорганик тузлар аралашмаси ҳосил бўлиши натижасида КМҚнинг хоссалари ўзгаришига олиб келади. Бугунги кунда КМҚ таркибидаги қўшимча тузлардан тозалашнинг асосан икки тури узлуксиз ва даврий усуллар мавжуд бўлиб, улар техник маркаларни этил спирти эритмаси билан ювишга асосланган. Узлуксиз усулда тозалаш Сокслет тамойилидаги ишлаш турига асосланган. Ушбу усулда маҳсулот таркибидаги қўшимчалардан тозлаш жараёни давомийлиги узок ва энергия сарфи юқори ҳисобланади.

Даврий усулда қўшимчалардан тозалаш этил спиртининг 60-70 % ли эритмаси билан такрорий ювишга асосланган бўлиб, саноат миқёсида 1 тонна тозаланган маҳсулот ишлаб чиқариш учун 10-12 т этил спирти сарфланади. Тадқиқотлар давомида органик ва ноорганик аралашмалардан тозалашнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилди. Бу усулнинг ўзига ҳослиги дастлабки босқичда таркибида 0,3-0,6 % сирка ксилотаси тутуган 40-50% ли ва кейинги босқичларда 60-70 % этил спирти иштирокида ювилади. Бунда маҳсулот таркибидаги ортикча ишқорни нейтраллаш, рН кўрсаткичини пасайтириш ҳисобига 1 тонна маҳсулот учун этил спирти сарфини 50 % гача камайтириш имкони кўрсатилди.

Юқоридаги усуллардан кескин фарқ қилувчи янги тозалаш усули ишлаб чиқилди. Ушбу усулнинг ўзига ҳослиги сувда эрувчан Na-КМҚ ни минерал кислоталар иштирокида сувда эримайдиган Н-КМҚ шаклига ўтказилади ва таркибидаги барча қўшимчалар сув билан ювиш орқали тозаланadi. Тозаланган Н-НКМҚ ишқорни этил спиртдаги эритмаси билан ишлов бериш орқали сувда эрувчан Na-КМҚ шаклига ўтказиди. Маҳсулотнинг хоссаларига минерал кислота турлари ва реакция шароитлари таъсири ўрганилди. Техник Na-КМҚ 20-25⁰С, 120 дақиқа давомида 20 % ли сульфат кислота эритмаси билан ишлов берилганда тўлиқ Н-КМҚ ҳосил бўлиши аниқланди. Қуритилган ва нам ҳолдаги Н-КМҚни ишқорни этил спиртдаги эритмаси иштирокида сувда эрувчан Na-КМҚ шаклига ўтказиш жараёни тадқиқ этилди.



6-расм. КМЦ эрувчанлигига ишқор миқдори таъсири
(1-нам ҳолатдаги ва 2-қуритилган Н-КМЦ дан олинган Na-КМЦ)

6-расмдан кўриниб турибдики, нам ҳолда ва қуритилган, яъни термик ишлов берилган Н-КМЦ асосида олинган маҳсулотнинг сувда эрувчанлик қийматлари фарқ қилади. Қуритиш жараёнида ҳарорат таъсирида КМЦ макромолекулалари ўртасида молекулалараро мустаҳкам боғ ҳосил бўлиши билан изоҳлаш мумкин.


Н-КМЦ макромолекулалари ўртасида тикилган боғларнинг ҳосил бўлиш имкониятлари унинг таркибидаги карбоксил ва карбонил гуруҳлар сони ҳамда термик таҳлиллар орқали ўрганилган.

5-жадвал. Н-КМЦ таркибидаги карбоксил гуруҳлар сони

Функционал гуруҳлар	Na-КМЦ (дастлабки)	Н-КМЦ (қуритилган)	Н-КМЦ (нам)
-COOH	-	18.00	26,5
-COONa	27,7	-	-

5-жадвалдан термик ишлов берилган Н-КМЦ таркибида карбоксил гуруҳлар сони термик ишлов берилмаган намунадаги карбоксил гуруҳларга нисбатан камлигини кўриш мумкин. Шунингдек, юқоридаги намуналарининг термик таҳлили шуни кўрсатадики, нам ҳолдаги ва қуритилган Н-КМЦ асосида олинган Na-КМЦ намуналарининг ўзига хос парчланиш ҳароратлари мос равишда 240-280⁰С и 220-320⁰Сни ташкил этган. Буни маълум миқдордаги гидроксил ва карбоксил гуруҳларнинг макромолекуларо боғлар ҳосил бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шундай қилиб, олинган натижалар асосида, янги усулда, КМЦ таркибидаги органик ва ноорганик аралашмалардан юқори даражада тозалашнинг оптимал шароитлари аниқланди.



7-расм Органик эритувчи муҳити (1) ва қаттиқ фазада (2) олинган техник КМЦ саноат намунаси ва янги усулда юқори даражада тозаланган (3) намуналарининг рентгенограммаси

Саноат миқёсида яримузлуксиз усулда ишлаб чиқарилган қуйи қовушқоқли КМЦ намуналарининг ҳар хил усулларда органик ва ноорганик аралашмалардан тозаланган КМЦ намуналарининг оғир металллар бўйича таркиби рентген тузилиш таҳлиллар ёрдамида ўрганилди (7-расм).

Шунингдек, техник ва ҳар хил усулда тозаланган КМЦ намуналари таркибидаги оғир металллар миқдорини атом адсорбсион таҳлили ёрдамида ўрганилди (6-жадвал).

6-жадвалдан кўриниб турибдики, такомиллаштирилан ва янги усулда тозаланган намуналар Давлат Фармакопеяси талабларига жавоб беради. Атом-адсорбцион спектроскопия таҳлил натижаларига кўра, янги усулда тозаланган Na-КМЦ намуналари таркибидаги оғир металллар миқдори фармацевтика ва озиқ-овқат саноати қўлланилиш учун рухсат этилган

концентрациядан юқори эмаслиги ва ушбу талабларга мувофиқ келиши аниқланди.

6-жадвал

КМЦ таркибидаги оғир металлар миқдори

Тозалаш усуллари	Na-КМЦ (ПД-400 АД-0,80)					Na-КМЦ (ПД-450 АД-0,85)				
	Асосой мод. мик., %	Zn, мг/кг	Fe, мг/кг	Pb, мг/кг	Cu, мг/кг	Асосой мод. мик., %	Zn, мг/кг	Fe, мг/кг	Pb, мг/кг	Cu, мг/кг
Дастлабки КМЦ	49,6	250	120	3,5	230	50,2	280	170	3,0	280
Узлуксиз	97,6	210	64	2,2	170	97,1	220	87	2,1	190
Даврий	98,5	170	27	1,7	118	98,2	150	35	1,5	120
Такомиллаштирилган	98,5	100	14	1,3	67	98,5	80	12	1,2	71
Янги	99,7	45	6	0,8	32	99,8	30	5	1,0	30
ДФ-11 бўйича		130	15	2	100					

Ишлаб чиқилган тозалаш усулининг афзаллиги шундаки, мазкур усул орқали олинган намуналарнинг юқори даражадаги тозаллиги таъминланади, шунингдек, олиш жараёнида материаллар ва энергия сарфининг кам эканлиги сабабли, маҳсулот таннархи ҳам кам бўлишига олиб келади.

Такомиллаштирилган ва янги усулда тозаланган КМЦ намуналарининг сув буғлари сорбциясига асосан капилляр-пор тузилиши ўрганилди (7-жадвал).


7-жадвал

